

Муборак ой баракоти



03:30 / 08.04.2023 1785

Нафс тарбиясида рўза асосий ўрин тутадиган ибодатдир. Рўза нафсни ўз ҳолига қўймай, уни маҳкам жиловлаш деганидир. Унда иймон ва эътиқод бир тараф, хоҳиш-истак ва шайтон иккинчи бир тараф бўлиб кураш олиб боради. Жаннатдан қувилганидан бери шайтон инсон зотиغا қарши аёвсиз курашиши ҳақида Аллоҳ таоло айтади: **«У (аламидан) деди: «Қасамёд этаманки, мени янглиштирганинг туфайли Сенинг Тўғри йўлинг (Исломи дини) узра улар (одамларни чалғитиш) учун ўтираман. Сўнгра уларга олдиларидан, ортларидан, ўнг томонларидан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун) келаман. (Натижада) уларнинг аксариятини шуқр қилувчи ҳолда топмайсан»** (Аъроф сураси, 16-17-оятлар).

Аллоҳ таоло шайтон ифвосини рад этади: **«Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир, илло сенга эргашган гумроҳларнигина (йўлдан оздира олурсан)»** (*Ҳижр сураси, 42-оят*).

Шайтон билан инсон ўртасидаги бу курашда рўза муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон ҳаёти учун зарур бўлган таом ва сув ҳамда насл давом этишида муҳим бўлган жинсий хоҳиш кураш майдонларидир. Буларнинг ҳар бирида ўзига яраша куч ва қувват бор. Агар у майл-истак қаршисида собит турса ва нафсининг ифволарига учмаса, албатта, имтиҳондан ўтади ва Парвардигори ҳузурида улуғ даражага эришади.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, муборак Рамазон ойини барчамиз тинчлик-хотиржамликда, осойишталикда ўтказиб келаётимиз.

Бу ойнинг дастлабки ўн куни - «рахмат» даҳасида рўйи заминга Аллоҳнинг раҳмати ёғилди. Яратганнинг ўзи қодир қилганича рўза тутиб, таровеҳ намозларини адо этамоқдамиз.

Иккинчи ўн кунлиги - «мағфират» даҳасида холис ният билан рўза тутган бандаларнинг олдинги қилган гуноҳлари кечирилади, дейилган.

Охирги ўн кунлиги эса «Итқун минан-нийрон», яна «Қадр даҳаси» ҳам дейилади. Ким Рамазон ойнининг рўзасини пок ният билан тутган бўлса, у бандага Аллоҳ ваъда қилган ажрларини ато этгай. Рамазон ҳайити куни эса Аллоҳ таоло Рамазон рўзасини тутган, таровеҳ намозларини ўқиган, Қадр кечасини бедор ўтказган бандаларига ўзи тайёрлаб қўйган мукофотларни кўпайтириб берадиган кундир.

«Ирфон» тақвими 2014 йил 3-чорак сонидан олинди